

## БОЛАЛАРДА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛАНИШДА КЛИНИК-ЛАБАРАТОР КҮРСАТКИЧЛАР СОЛИШТИРМА ТАҲЛИЛИ

*Холбоев Норбек Алиниёзович*

*Термиз иқтисодиёт вас ервис университети  
Тиббиёт кафедрасы ўқитувчиси*

**Муаммонинг долзарблиги:** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда 5 миллиардга яқин одам паразитар касалликлар ва гелминтозлар билан касалланган, яъни бу сайёрамиз аҳолисининг катта қисмини ташкил этади. Шу билан бирга, ЖССТ экспертизарининг фикрига кўра, гелминтозлар маълум даражада “Эътибордан четда қолган касалликлар” га айланди - уларнинг тиббий ва ижтимоий аҳамияти бутун дунёда етарлича баҳоланмайди. Ҳатто эндемик мамлакатларда ҳам соғлиқни сақлаш органлари ва аҳоли томонидан уларга етарлича эътибор берилмайди. Гелминтозларни келтириб чиқарадиган гижжалар сайёрамиздаги энг қадимий ва кўп сонли ҳаёт шаклларидан биридир. Одамларда гелминтларнинг 350 дан ортиқ турлари паразитлик қиласи.

Европада ҳар учинчи аҳоли гелминтлардан азият чекмоқда. Жаҳон миқиёсида гельминтозлар билан 1,7 миллиард киши касалланган (Кусур С.Ж эт ал., 2014). Ўзбекистонда гелминтозлар билан касалланишнинг йиллик кўрсаткичи 100 000 аҳолига тўғри келади.

Паразитозлар асосан иссиқ ва тропик иқлим мамлакатларида кўплаб учраши аниқланган (Лернер П.М. ва бошк., 1973; Лернер П.М. ва Лемелев В.р., 1977; Норкина Н.А., 1988).

Ўзбекистон шароитида гельминтозларга мансуб гименолепидозлари асосан Намангандар, Фарғона, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларнинг тоғли ва тоғ олди туманларида қолган туманларга нисбатан кўп қайд қилинмоқда. Масалан 2011 йил Республика ДСЭНМдан олинган маълумотлар асосида: Намангандар - 556, Фарғонадар - 435,5, Сирдарёдадар - 330,3 ва Сурхондарёдадар - 220,4 интенсив кўрсаткичларга эга эканлиги.

Болалар паразитларга нисбатан аҳолининг заиф тоифаси эканлиги аниқланган. Бу, бир томондан, санитария-гиgiene меъёrlарига риоя қилишининг қуий даражасига, иккинчи томондан, паразитар инвазия натижасида жадал ўсиш ва ривожланишнинг пасайиши билан боғлиқ. Болаликда паразитлар инвазиясига кўпинча овқатланишнинг сурункали бузилиши, ошқозон-ичак дисфункцияси, интоксикация, организм сенсибилизацияси ва иммун тизимининг заифлашувига олиб келувчи омиллар сабаб бўлади. Гельминт личинкалари кўчиб висцерал мембраналар,

мия, кўз, ўпка, ва асаб тизимиға зарар етказиши мумкин. Larval мигрантларнинг 5-7% и мияга киради, 30 дан ортиқ паразит турларининг личинкалари ўпка тўқимасига таъсир қиласди [2, 3, 9, 10].

**Тадқиқот мақсади:** Болаларда паразитлар билан касалланишда клиник-лабаратор кўрсаткичларни солиштирма таҳлилини олиб бориши.

**Тадқиқот материаллари ва усуллари:** Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш учун биз “Республикамизда паразитар касалликлар профилактикаси бўйича чора тадбирлар такомиллаштириш тўғрисида” ги Ўзбекистон Республикаси ССВнинг 25.03.2005 йилдаги № 121, Ўзбекистон Республикаси Давлат Эпидемиологик назорати марказларида ўтказиладиган лаборатория текширишлар номенклатуралари тасдиқлаш тўғрисида” ги №34 буйруқ ва УҚ №012-3/0134 “Гельминтолар ва протозоозларнинг лаборатория диагностикасида паразитологик усуллар” услубий қўлланмасидан фойдаландик.

Текширув 2022-2023 йиллар мобайнида Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар юқумли касалликлар шифохонасининг Паразитар касалликлар бўлимида 140 нафар 5-14 ёшгача бўлган bemor болаларда ўтказилди. Тадқиқотга олинган bemor болаларда анамнез маълумотлари, эпидемиологик маълумотларга, умумий қон, сийдик, Копрологик текшириш усули, бактериологик, инструментал (ултратовуш, рентгенографик) текширувлар ўтказилди.

Bemor болалар жинсий таркиби бўйича ўрганилганда асосий гуруҳда ўғил болалар 48 нафарни (53%), қиз болалар 42 нафарни (47%), назорат гуруҳида эса ўғил болалар 26 нафарни (52%) ва қиз болалар 24 нафарни (48%) ташкил этди. Жинсий таркиби бўйича гуруҳларда статистик аҳамиятли фарқлар кузатилмади.

#### Тадқиқотдаги bemor болаларнинг ёши ҳақида маълумот.

Ёши	Асосий гуруҳ Н=90		Назорат гуруҳ Н=50		Жами Н=140	
	M	%	M	%	M	%
5-7 ёш	17	19	5	10	22	15,7
7-10 ёш	36	40	18	36	54	38,6
11-14 ёш	37	41	27	54	64	45,7

**Тадқиқот натижаси:** Текширув учун 140 нафар ичак паразитар касалликлари: геминолипидоз, ва энтеробиоз ташхисланган bemor болалар олинди. Асосий гуруҳга- геминолипидоз ташхиси билан 90 нафар, Назорат гуруҳ- энтеробиоз ташхисли 50 нафар bemorларни касллилк тарихлари ретроспектив таҳлилини олиб борилди. Геминолипидознинг клиник синдромлари орасида қўйидагилар энг статистик аҳамиятга эга бўлди:

Диспептик (81,6%) – күнгил айниши, кусиши, қориндаги оғриқ, иштаханинг пасайиши ва ич келишининг бузилиши; Астеновегетатив (61,6%) – холсизлик, тез толиқиши, уйқунинг бузилиши ва бош оғриғи; холестатик (86,7%) – тери ва склеранинг сариқлиги, жигарнинг катталашиш (гепатомегалия 2 см дан зиёд). Шу билан бир қаторда ичак паразитар касалликларининг ҳам бошқа ўзига ҳос килиник белгилари ўрганилди яъни терида қичишиш белгилари (80%), конюнктивит, артрит, лимфаденопатия ва эозинофилияning юқори даражаси. Биокимёвий текширувларда олинган маълумотларга кўра паразитар инфекциянинг бирга келиши болаларда ичак ва жигар функционал ҳолатида маълум даражада ўзгаришлар борлиги аникланди. Гипербилирубинемия (95,5%), гиперферментемия (77,6%) ва диспротеинемия (69,2%) аникланди.

Паразитар гелментлар bemорларнинг нажаси орқали ажралиб чиқади. Бемор фойдаланган идиш-товоқлар, чойшаб, ёстиқ жилди, кийим-кечаги, ўйинчоқлари, сўргичлари, ҳожат туваклари ва bemордан қолган овқат қолдиқлари ҳам паразитлар билан заарланади.

**Хуроса:** Шундай килиб, геминолипидоз, ва энтеробиоз биргаликда кечганда унинг клиник белгиларининг кучайиши, биохимик кўрсатгичларни юқори даражада ўзгариши ва ичак паразитар касалликларга ҳос белгиларни учрашиш кўрсатгичи аникланди. Изланиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, энтеробиоз касаллиги ривожланишиниг ҳавф омилларига боланинг ўтказган ёндош касалликлари, олган ҳар-хил муолажалари сабаб бўлади. Геминолипидоз билан оғриган bemорларнинг 27% да субфебрил тана харорати, 67% ҳолларда клиник белгилар ва соғайиш даврининг чўзиши билан кечиши қайд қилинди. Шу билан бир қаторда аҳоли ўртасида тиббий маданиятни ўстириш ва гигиеник чора- тадбирларни қўллаш мақсадга мувоғиқ саналади.